

Статья посвящена анализу недостатков и проблем, возможностей формирования профессиональных компетенций и технических способностей у студентов инженерно-технических специальностей. Качество подготовки инженеров и техников в системе технического высшего образования зависит, прежде всего, от сформированных профессиональных компетенций и интеллектуального развития будущих специалистов.

The article is devoted to the analysis of shortcomings and problems, opportunities for the formation of professional competencies and technical abilities among students of engineering and technical specialties. The quality of training of engineers and technicians in the system of technical higher education depends, first of all, on the formed professional competencies and the intellectual development of future specialists.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ШАХРИЁР» – ЎРТА АСРЛАРДАГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БЕБАҲО ПЕДАГОГИК МЕРОСИ

Е.К.Алламбергенов – мустақил тадқиқотчи

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини*

**Таянч сўзлар:** «Шахриёр» достони, I ва II Ренессанс даври, достондаги эътиқод ва Исломга боғлиқ нуқтаи-назарлар, достонда уйғониш даври педагогикасига оид таълимий-тарбиявий қарашлар.

**Ключевые слова:** эпос «Шахриёр», I и II эпохи Возрождения, взгляды на божество и ислам в эпосе, воспитательные взгляды на педагогику эпохи Возрождения в эпосе.

**Key words:** "Shahriyor" epic, I and II Renaissance period, views on the divinity and Islam in the epic, educational views on the pedagogy of the Awakening period in the epic.

Мустақиллик даврида «Шахриёр» каби муқаддас меросларимизни ҳар томонлама тадқиқ этиш, уларнинг ғоявий мундарижаларига миллий мустақиллик ғояларидан, таълимий-тарбиявий нуқтаи назардан қараб чиқиб баҳо бериш - педагогика илм-фанининг кун тартибидagi муҳим муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Бу эҳтиёж «Шахриёр» достонидаги таълимий-тарбиявий тафаккур, махсус илм-фани тадқиқ қилишни тақозо этади. Чунки, тарихий, маданий меросимизни яхши билмай, улғў ота-боболаримизнинг маданий тараққиётдаги салмоқли ўрнини дунёвий кўламда далиллаб кўрсатмай, ҳозирги даврда маънавий-маданий қайта тикланишни ва уни олға ривожлантиришни рўёбга чиқара олмаймиз.

Ушбу нуқтаи назардан «Шахриёр» достонининг яратилиш ва шаклланиш даври бўйича олимлар Қ.Айимбетов [1:103-105], Қ.Байниязов, Т.Байниязова [4:77-79], Ш.К.Кенесбаевалар [11:14-15] ўз фикрларини билдирган. Бу олимларнинг қайд қилишича, «Шахриёр» достонининг пайдо бўлиши ва шаклланиши даврлари илк ўрта асрлардан иккинчи Ренессанс даврларига бориб тақалганини кўрамыз.

Ўзбекистон Республикаси янги жамият ва буюк келажак қураётган бир вақтда бундай манбалар тарихдан маънавий мадад олиб, фахрланиб яшаш учун ўзлигимизни англашга асос бўла олади. «Шахриёр» достонида таълимий-тарбиявий тафаккур ва ғоялар умуминсоний қадриятлар эканлиги яққол кўзга ташланади. У бутун одамзод цивилизациясига ҳос бўлган олижаноб қадриятларни ўзида акс эттирган, омма маданиятининг тараққиёти ва ривож учун хизмат қиладиган халқ оғзаки ижоди.

Дарвоқе, «Шахриёр» достонидаги таълимий-тарбиявий тафаккур инсонни ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш қоидаларининг энг дастлабки манбалари бўлган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дан бошланди. Ўша даврнинг янги фалсафий, диний, ҳуқуқий таълимоти бўлган «Авесто» асосан халқ ва давлат бошқарувининг сиёсий, ҳуқуқий ғояларининг ўлчами сифатида қабул қилиниб, у озод ва обод турмуш кечиришнинг бош манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, «Шахриёр» достонида ёшларга таълим-тарбия бериш, инсонни эзгуликка бошлаш, зулмдан қутқариш ва фаровон турмуш кечириш, миллий урф-одатларга ҳурмат, одоб-ахлоқ, ёмонлик ва ёвузликка қарши кураш, инсоннинг маънавий томондан руҳан пок бўлишини, яхшилик ва ғамхўрлик этиш, ёшларни одиллик ва тўғрилиққа йўналтириш, ёмон ишлардан, адолатсизлик ва нопок ниятли бўлишдан сақланиш, маданиятга эришишга чорлаш, оилани мустаҳкамлаш каби фикрлар жамланган.

Ушбу бебаҳо қорақалпоқ халқ достони

«Шахриёр»ни ёзиб олишда ва уни нашрдан чиқаришда тадқиқотчиларимиз томонидан кўплаб ишлар амалга оширилган. Мазкур достон хусусида айни кунгача тарихшунослик, тилшунослик ва педагогик таълимотлар тарихи йўналишда махсус тадқиқот ишлари олиб борилмади. Хусусан, М.К.Нурмухаммедов [16], Қ.Айимбетов [2], И.Т.Сағитов [18], Қ.Максетов [13], А.Каримов [10], К.Алламбергенов [3], Ш.Кенесбаева [12] каби қатор олимларнинг илмий мақолаларида ва тадқиқот ишларининг баъзи бобларида мавзунинг кўпгина муаммолари кун тартибига қўйилди.

XXI асрнинг 20- йилларигача «Шахриёр» достони ҳақидаги тадқиқотлар махсус мақолалардан ёки эпоснинг у ёки бу муаммосига боғлиқ айтилган фикрлардан ўтиб кета олгани йўқ. Масалан, фольклоршунос олим Қ.Максетов достонларни асосан тўрт гуруҳга бўлади ва «Шахриёр» достони билан «Ширин-Шакар» достонини ижтимоий турмуш масалаларни ўзида акс эттирган достонлар қаторига киритади [14:296]. Шунингдек, олим достон сюжетида меҳнат тарбиясининг алоҳида ўрин олганлигини таъкидлаб, достон қаҳрамони Шахриёрнинг боғ яратиш, деҳқончилик, чорвачилик каби касб-хунарни эгаллашнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталади [13:107-109].

Ушбу достонни филологик аспектда махсус тадқиқ қилувчи Ш.К.Кенесбаева бўлса «Шахриёр» достонини «ижтимоий турмуш масалалари ёритилган достонлар» гуруҳида баҳолашни мунозарали масала эканлиги ҳақида биринчилар қаторида фикр билдириб, мазкур гуруҳга киритилган «Шахриёр», «Ширин-Шакар», «Қаншайим», «Мунглик-Зарлик» ва шу каби бошқа достонларнинг барчасида ижтимоий турмуш мотивидан кўра миф-эртас мотивининг эксклюзив ифодаланиши далилланади, бу типдаги достонларни миф-эртас тип сюжетли достонлар деб аталишини тавсия этади [11: 14-15]. Филологик мазмундаги шундай фикрларни фольклоршунос олим М.Ф.Матқулиева ҳам таъкидлаб ўтади [15:13-15]. Булардан ташқари «Шахриёр» достонини эртас тип фантастик эпослар қаторига киритилиши лозимлиги ҳақида илмий қарашлар ҳам бор. Масалан, И.Т.Сағитов «Шахриёр», «Қаншайим», «Ширин-Шакар» каби достонларни эртас-фантастик достонлар қаторига киритган. Унинг фикрича, бу достонлардаги характерли омил – улар мазмунининг халқ эртақлари сюжетларига қурилганлигида, бу достонларда ҳаёлий-эртас элементлари кўпроқ учрайди [18:38].

«Шахриёр» достонида турмушга боғлиқ айрим кўринишлар, меҳнат қилишга чорлаш, от боқиш, чорвачилик билан шуғулланиш ва шу каби қатор

масалалар дostonдан ўрин олган. Дostonда таълимий-тарбиявий тафаккур ифодаси қорақалпоқ халқининг миллий туйғуларини шакллантиришда, ўзлигини танишда ва энг муҳими ёш авлоднинг миллий қадриятларга хос тарбияланишида педагогик ва психологик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан дастлаб «Шаҳриёр» дostonининг яратилиш даврига назар ташласак, тадқиқ қилинаётган ишимизга бир мунча аниқлик киритамиз.

Эпос асарлар пайдо бўлишидан бошлаб ўзининг босиб ўтган ҳар бир даврида такомиллашиб борди. Бундай ўсиш жараёнида, улар халқ оғзаки ижодиётининг турли жанрлари, шунингдек, халқ тарихи, диний эътиқодлари, маданияти ва халқ педагогикаси билан чамбарчас боғлиқ тарзда ривожланди. Буларнинг барчаси дostonларнинг бадиийлигини белгилаб бериш билан бирга, архаик қатламларини, яратилиш давларини ҳам аниқлашга ёрдам беради. Бу яратилиш давлари эса ушбу асарнинг қандай тарихий давларнинг педагогик мероси эканлигини далолатлайди.

«Шаҳриёр» дostonининг қадим давларда шаклланганлигини ва ундаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг қандай педагогик давларга тегишли эканлигини далилловчи дастлабки белги – унинг поэтик қурилишидаги энг эски архаик жанр, шаклий қатламлар ва қаҳрамонларнинг диний ва дунёвий қарашлари, ишонч-эътиқодлари бўлиб ҳисобланади. Чунки, қадим давлардан адабиёт намуналари бўлган миф, афсона ва эртак қаби жанрий шакллар, сюжет чизиқлари дoston воқеаларининг қадим замонларда яратилганлигидан, қадим замон одамларининг кўнгил мулки эканлигидан дарак бериб туради.

«Шаҳриёр» дostonининг мазмуни ва шакли эса унинг пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичлари қадим давларга бориб тақалганини, яъни I ва II Ренессанс давлари арафасида йирик эпос бўлиб шаклланганлигини кўрсатиб туради. Ушбу хусусиятларни биз дoston мазмунидаги туркий халқларнинг Турк ҳақонлиги давларидаги тотемлик, шаманлик тушунчалари билан исломни қабул қилган илк давлардаги эътиқодлари ва таълим-тарбияга оид қарашларнинг гоҳида тенг қатор қўйилиб, гоҳида қориштириб, синтез шаклида ифода этилиш эпизодларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Масалан, дostonнинг илк архаик вариантларидан бири Отениёз (Ўтениёз) жиров вариантыда образлари гавдаланган қаҳрамонлар тилида «Хан қасында бериелер, бериелен деп жүргенлер» [19:33] қаби иборалар кўп ишлатилади. Ушбу ибораларнинг мазмун ва моҳиятига назар соладиган бўлсак, кўпчилик туркий халқлари ислом қабул қилинган давлардан кейин ҳам ўзларининг қадим давлардаги тотемлик, шаманлик тушунчаларидан воз кечиб кета олмаган. Чунки, биз Турк ҳақонлиги давларидаги фуқаролик ва таълим-тарбия тарихидан бўринининг туркий халқлар учун муқаддас бобо-қалон, аждод ҳисобланган тотем, культ (ибодат) бўлганлигини яхши биламиз.

Дарҳақиқат, юқорида мисол келтирилган иборалар худди қадимги турк давридаги туркий халқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналарни эслатади. Қадимги туркларда она бўри ва йигитдан туғилган битта авлод туркий уруғларнинг йулбошчисига айланади [7:23]. «Шаҳриёр» дostonидаги бу ибораларнинг мазмунидан туркларнинг Ашин, Ашида уруғининг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналарни англашимизга бўлади. Дoston сюжет тизимидаги қаҳрамонларнинг (Шаҳриёр ва Анжимнинг) кийик эмиб катта бўлиши, уларга тилакдош бўлган тоғлар, чўллар билан сувларнинг тилга кириши, сўзлашишлари қаби архаик мотивлари ҳам ушбу асарнинг энг қадим давларда, яъни илк Уйғониш давларида пайдо бўлиб

шаклланган адабий ва маданий, педагогик мерос эканлигидан дарак бериб туради. Чунки, ушбу мотивлар мазмуни тагида ҳам қадим давр туркий этносларининг ҳулқ-атвор психологияси, урф-одатлари, таълим-тарбияси, инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни, қамолоти ҳақидаги архаик педагогик тушунчалари, қарашлари ифода этилган.

Шунингдек, «Шаҳриёр» дostonидан Ислом маданияти ва диний таълим-тарбия тўғрисида ҳам кўплаган маълумотларни олиш мумкин. Масалан, ислом дини фарзлари бўлган Оллоҳга эътиқод этиш, фаришта ва шайтоннинг борлигига ишониш, 5 вақт номоз, Қаъбага ҳижр қилиш, шунга ўхшаш бошқа шариат қоидаларини ўқишимиз мумкин. Дostonда Гулшаранинг Оллоҳга бўлган эътиқоди қуйидагича таърифланади:

"Ағзында барды алла.

Барды тилинде кәлийма,

Басында барды саржыға,

Көңлинде кәдир алла." [19:32]

Дostonда юқоридаги мисоллар билан оҳангдош "Шайтанның қайтқан ўақтында, Периште жүрген шактында" [19:13] деган қаторлар ҳам бор. "Ҳақ миясар көрсе, Бийби Патпа, Бийби Айша, Бийби Мәрьям қолласа" [19:15] деган қаторларда эса ушбу ислом динининг муқаддас аёлларининг номлари келтирилади. Умуман айтганда, Ислом дини ва маданияти, таълим-тарбияси ҳақида «Шаҳриёр» дostonидан жуда кўп маълумотларни олишимиз мумкин.

Хуллас, «Шаҳриёр» – халқ тарихи ва педагогикасининг, этнопедагогиканинг, халқ донишмандлигининг дурдонаси, бошқача айтганда, илк Уйғониш давларидаги қорақалпоқ халқининг фалсафий, педагогик, эстетик ва ҳақозо қарашларнинг қомусий мажмуаси, яъни пайдо бўлиш, шаклланиш давлари бўйича тангричиликнинг, шаманликиннинг чекиниб, исломга йўл бераётган ўтиш даврининг бебаҳо тарихий-фольклор ва педагогик мероси.

Дарҳақиқат, биз тадқиқ қилаётган «Шаҳриёр» дostonи архаик (эски эпос) бўлиб, сюжет тузилиши, қурилиши бўйича қадимий асрлардан бири эканлигидан дарак беради. Асар мифологик-эртак тип сюжетли дoston ҳисобланади. Чунки, мазмуни, бадиий тили, сюжет қурилиши ва қаҳрамонларининг турмуш тарзи, кун кечириши, психологияси, ундаги таълим-тарбияга доир фикрлар ва ижтимоий ўй-хаёлларнинг акс эттирилиши орқали қайси давларга тегишли эканлигини тахмин қилишга бўлади.

Дostonнинг илк уйғониш давларида пайдо бўлган ва шаклланган тарихий-фольклор, фалсафий-эстетик, педагогик муқаддас бебаҳо мерос эканлиги ҳақидаги ушбу фикрларимизни В.Я.Пропп, В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарипов, А.К.Боровков, Ш.Валиханов, Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, И.Сағитов, М.К.Нурмухамедов, Қ.Мақсетов, Қ.Байниязов, А.Каримов, А.Тажимуратов, Ў.Алезов, А.Пазиллов қаби олимларимизнинг илмий қарашлари билан ҳам исботлашимиз мумкин. Масалан, Н.Давқараев дostonларнинг дастлабки пайдо бўлиши даврини Нўғойли замони билан боғлайди ва XIV-XVI асрлар билан белгилайди [8:189-190]. И.Сағитов «Қорақалпоқ эпосларининг энг кўп яратилган даври XIII-XV асрлар [18:11-64], деб ҳисобласа, рус фольклоршуноси А.К.Боровков Қипчоқ эпосининг (бу гуруҳга қорақалпоқ эпоси ҳам қиради) XIII-XV асрларда яратилганлигини айтади [5:67]. Ш.Валиханов қозоқ эпосларининг пайдо бўлган вақти XIV-XVI асрлар деб ҳисоблайди ва уни Олтин Ўрда даври билан боғлайди [6:245]. В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зариповлар ўзбек эпосларининг пайдо бўлиши бўйича X-XVI асрлардаги тарихий воқеаларга алоҳида эътибор қаратади ва «Тўрўғли» туркум дostonлари XVII аср бошлари XIX

асрнинг ўрталаригача мавжуд эпик анъаналар асосида тўлиқ шаклланиди, дея таъкидлашади [9:191].

Ёш тадқиқотчи Ш.К.Кенесбаева «Шахриёр» достонини мифологик-эртас тип сюжетли достонлар қаторига киритиб, Қ.Айимбетов айтган «Қорақалпоқларнинг энг эски замонлардан бери келатган мероси» [1:103], деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Шулар асосида достоннинг ўрта асрларда (IX-XII асрларда) яратилганлигини тахмин қилади [12: 318-319]. Бу фикр Қ.Байниязов, Т.Байниязовлар тадқиқотларида ҳам қайд қилинади [4:78-79].

Ушбу фикрларга биз ҳам қўшилаемиз. Чунки, юқоридаги фикрларимизда қайд қилганимиздек, «Шахриёр» достони яратилиши даври бўйича Ўзбекистон Ислонининг ўрин алмашаётган даврларида тўғри келади. Бунини биз достон қаҳрамонларининг турмуш тарзи ва ҳулқ-атвор психологик хусусиятларидан аниқ англашимизга бўлади. Достон қаҳрамонлари ўз мақсадларига етишиш йўлида фақат афсона, латифа, аjoyиб эртақларда учрайдиган, одамнинг ақли бовар қилмаган қадимий давр онг ва тафаккурга боғлиқ воқеаларни бошидан кечирилади. Достон ҳам шу мифологик тафаккурга хос бошдан оёқ миф-эртас элементлари билан сўғорилган. Уни ўқиган вақтимизда халқимизнинг маънавий талабларини қондириш йўлида тилларидан бол томган сўз зарғари жиловларимизнинг қанчалик куч-гайрат ва шижоат билан ҳаракат қилганини англаш қийин эмас. Улар табиат инъом этган талант қудрати билан қаҳрамонлар ҳис-туйғуларини ва улар яшаган даврлар кўринишини сақлашда эртас, афсона, фантастика, қанотли ҳаёл, ўткир ақлий нақл-мақолларни ўз жирига маҳорат билан қўшган.

Демак, достонда акс этган таълимий-тарбиявий қарашлар йиғиндиси ҳам мана шу даврлардан дарак беради. Мазкур манбалар ўз-ўзидан «Шахриёр» достонидаги таълимий-тарбиявий қарашларнинг ғоявий-эстетик асосларини ўша даврларга оид педагогик мерослар, илмий ва адабий-бадий манбалардаги халқчил ва этнопедагогик қарашлардан топишни талаб этади.

Хуллас, бундан достонни ушбу даврлар педагогик мерослари контекстида таҳлил қилиш зарурияти сезилади. Тадқиқотчи М.С.Салаеваниннг ўзбек педагогикаси тарихини давраштириш масаласи бўйича ёзилган махсус тадқиқот ишининг [17] “Ўзбек педагогикаси тарихини давраштиришнинг назарий-эмпирик асослари” деб номланган биринчи бобида бу таълимий-тарбиявий меросларни давраштиришнинг дастлабки

босқичлари тавсифи қуйидагича кўрсатилади:

“Ўзбек халқининг педагогик мероси жуда қадимий бўлиб, у бевосита “Авесто” ва “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари”га бориб такалади. «Авесто» каби «Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари»да ҳам эзгу фазилатлар - жасурлик, ватанпарварлик, билимлилик, мардлик улуғланади. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида аждодларимизнинг таълим-тарбияга оид дастлабки қарашлари, нуқтаи назарлари, ёндашувлари ўз ифодасини топган. Бу нарсаси таълим-тарбияга оид илмий қарашлар бизнинг заминимизда жуда қадим замонлардаёқ вужудга келганлигидан далолат беради ҳамда унинг ривожланиши ўзига хос тизимни ташкил этганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам педагогика тарихини давраштиришда Ўрхун-Энасой ёзувларида ифодаланган педагогик ғояларни алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Қуръоннинг нозил бўлиши ва ёйилиши баробарида аждодларимиз педагогик тафаккурда янгилаш эврилиш даври бошланди» [17:12].

Олимнинг таъкидлашича, «Ўйғониш даври давоми сифатида XII-XIV асрлар эътироф этилиб, бу даврда фаннинг кўплаб соҳалари билан бир қаторда педагогика ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилган. Бу давр педагогикасининг ўзига хос жиҳати маънавий-ахлоқий йўналишдаги қарашларнинг устувор ўрин эгаллаганлигида. XII-XIV ҳамда XIV-XVI асрларда узлуксиз ривожланган педагогик фикрлар ўзбек халқининг педагогик мероси нақадар бойлигини, ушбу даврда ўзининг тараққиёт босқичига кўтарилганлигини ифода қилади» [17:13].

Дарҳақиқат, олим тўғри кўрсатиб ўтганидек, “қадимги Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон деб аталган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида педагогика инсон интеллектуал фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида энг қадимги даврларда “Авесто” ва “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари” замида пайдо бўлганлиги “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари” мазмунидан аён бўладики, уша даврлардаёқ аждодларимиз ватанпарварлик тарбияси, ҳарбий таълим соҳасида кенг қўламли ишларни олиб борганликларини кўрсатиб беради» [17:13].

Хуллас, қорақалпоқ халқи оғзаки адабиёти меросларидаги, хусусан, “Шахриёр” достонидаги таълим-тарбия ҳақидаги этнопедагогик қарашларнинг пайдо бўлишида ва ривожланишида қадим даврлардан қолган ушбу манбалар, ёзма ёдгорликлар, шу билан бирга, ушбу даврлардаги туркий адабиёт вакиллариининг ижод намуналари катта аҳамиятга эга бўлган.

#### Адабиётлар

1. Айимбетов Қ. Халқ даналығы. – Нөкис: “Қарақалпақстан”. 1988. 103-105-б.
2. Айимбетов Қ. «Шарьяр» дэстаны өзбек тилинде. – Нөкис: // «Әмиўдэрья». 1979. №9. 120-121-б.
3. Алламбергенов К., Алламбергенова Г. Типология волшебнo-событийных сюжетных мотивов в генезисе каракалпакских эпосов и проблемы её изучения иностранными учёными (на материале дастанoв «Сказание о Шарьяре» и «Едиге») // «Ilm hám jámiyet». – Нөкис: 2018. №2. 30-37-б.
4. Байниязова Қ., Байниязова Т. «Шэрияр» дэстанының дөрелиў хэм кэлиплесиў дәўири ҳақындағы мәселеге. // ӨЗРИА ҚҚБ «Хабарнамасы», - Нөкис: 2003. №5. 77-79-б.
5. Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов СССР. - М.: изд. АН СССР, 1958. – С. 67.
6. Валиханов Ч. Записки русского географического общества. Отдел этнографии, том XXIX. – С.Петербург: 1904. –С. 245.
7. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: «Наука», 1967. – С. 23.
8. Дәўкараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы, 2-том: Аўызеки халық творчествосы. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1977. 340-б.
9. Жумабаев М. Педагогика. – Алматы: 1992. 160-б.
10. Каримов А. «Шэрияр» дэстаны хэм оның туўысқан халықлар фольклоры менен байланысы. // «Әмиўдэрья». – Нөкис: 1992. №4-5. 107-114-б.
11. Кенесбаева Ш.К. Қорақалпоқ халқ достони «Шахриёр» (Генезиси, жанрлик хусусиятлари. Сюжет қатлами ва образлар таркиби). Филол. фан. бўйича PhD дисс. автореферати. – Тошкент: 2021. 54-б.
12. Кенесбаева Ш.К. «Шэрияр» дэстанының дөрелиў дәўирлери ҳақында. / «Илим хэм тэлим-тэрбияның әҳмиётли мәселелери» атамасындағы Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары, 2-бөлим. –Нөкис: 2019. 318-319-б.
13. Максетов Қ. Дэстанлар, жыраўлар, баксылар. Илим изертлеў. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1992. 62-136-б.
14. Максетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. Сабақлық. – Нөкис: “Билим” 1996. 340-б.
15. Маткулиева М.Ф. Шахриёр достонининг илк манбалари, унинг достон ва эртас вариантлари. Фил. фан. буй. фалс. док. (PhD) дис. автореферати. –Тошкент: 2020. 70-б.
16. Нурмухаммедов М.К. Пушкиннинг ертеклери хэм Орта Азия халықларының фольклоры. - Нөкис: «Қарақалпақстан». 1987.
17. Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини давраштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед. фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. –Тошкент: 2019. 62-б.
18. Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1986. 36-66-б.

19. Шәрһяр. Қарақалпақ халық дәстаны. (Өтенияз хәм Қуламет жыраў вариантлары). / Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. XIII том. - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984. 236-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қарақалпақ халқ достони “Шахриёр”нинг яратилиш даври илмий-назарий жихатдан ҳар томон таҳлил қилинади. Шунингдек, ундаги таълимий-тарбиявий нуктаи-назарлар келтирилиб, шу тушунчалар асосида достон дастлабки уйғониш даврининг бебоқ педагогик меросларидан бири ҳисобланади, деган хулосага келинади.

РЕЗЮМЕ

В статье проводится комплексный научно-теоретический анализ периода создания каракалпакского народного эпоса «Шахриёр». Также даны воспитательные аспекты, и на основе этих концепций делается вывод о том, что эпос является одним из бесценных педагогических наследий раннего Возрождения.

SUMMARY

The article provides a comprehensive scientific and theoretical analysis of the period of creation of the Karakalpak folk epic "Shahriyor". It is also given the educational perspectives, and on the basis of these concepts it is concluded that the epic is one of the invaluable pedagogical heritage of the early Renaissance.

## ВОСПИТАНИЕ И ПРИОБЩЕНИЕ К МУЗЫКАЛЬНОМУ ИСКУССТВУ

**Р.У.Алланбаев** – *заслуженный артист Каракалпакстана, доцент  
Музыкального филиала Узбекской государственной консерватории*

**Таянч сўзлар:** музыка таълими, педагогика, санъат, жанр, чолғу.

**Ключевые слова:** музыкальное воспитание, педагогика, искусство, жанр, музыкальный инструмент.

**Key words:** musical education, pedagogy, art, genre, musical instrument.

Музыка, как один из видов искусства – могущественное средство общения людей, которое пробуждает высокие духовные порывы. Она воспроизводит душевные переживания людей и окружающую их действительность в живой, образной форме. Как и другие виды искусства, музыка принадлежит к области общественного сознания, и с большей силой выражает то, чем живут люди: их горе и радости, а также любовь к природе родной страны, ее истории. Она воссоздаёт внутренний, духовный мир человека, национальный характер целого народа. Воздействуя на сознание и чувства широкой массы, музыка способна оказывать активное влияние на общественную жизнь.

Музыкальное воспитание – это образование, направленное на формирование художественного кругозора учащихся. Наряду с горячим и по-настоящему серьёзным интересом к музыкальному искусству среди молодёжи можно встретить и другое отношение к нему. К сожалению, не мало и таких, которые не умеют не только понимать, но и слушать музыкальные произведения. Воспитывая в настоящем смысле слова культурную, разносторонне развитую молодёжь, мы не в праве мириться с их равнодушием к сокровищам народной и классической музыки. Сегодня музыкальное образование неизбежно сталкивается с проблемами и противоречиями всей системы образования, такими как: существенный разрыв между высоким уровнем профессиональных музыкантов и низкой музыкальной культурой основной массы населения. Это связано с повышенной увлечённостью молодого поколения компьютерными технологиями, современной поп-культурой, с отсутствием качества уроков музыки, индивидуального подхода к учащимся.

Однако музыкальное образование не может находиться в стороне от общего процесса модернизации образования в нашей стране. Развитие музыкального образования тесно связано с историей страны, выдающимися музыкантами, педагогами, просветителями.

На современном этапе музыкальное образование – это не только процесс освоения специфических музыкальных умений и навыков, но и способ приобщения к национальному культурному наследию, осмысление общечеловеческих ценностей, выраженных в музыкальных произведениях.

Искусство обучать других, преподавать им необходимые знания – это профессия педагога, от уровня квалификации которого зависит качество получаемых знаний. Педагог открывает дорогу в мир музыки, является наставником и другом, отдавая частицу своего сердца и души ученикам. Раскрыть индивидуальность ученика, определить его характер и

возможности, заинтересовать. Найти оптимальные пути развития его музыкальных способностей, – вот те основные задачи, которые стоят перед учителем музыки. Однако, далеко не каждый учитель справляется с выполнением этого комплекса задач, владеет в достаточной степени необходимым педагогическим мастерством. Педагогике нужно учиться так же, как любой другой специальности [1:7].

История музыкальной педагогики Узбекистана связана с культурой и бытом народа, веками развивающего преумножающего лучшие методы и формы музыкального образования и воспитания. Она отражает сущность цивилизации, ее музыкальной культуры. От обрядовых танцев до современного балета, от колыбельной до оперы, от народных бытовых методов воспитания до современных, информационных педагогических технологий музыкальная педагогика открывает новые возможности освоения музыкального искусства, восприятия и понимания звуков к их совершенству и красоте.

На протяжении всей истории музыкального образования существовало как специальное профессиональное образование, так и общее образование. Общее музыкальное образование осуществляется в средних общеобразовательных школах в начальных классах и в средних классах на уроках музыки. Это важно для воспитания хорошего музыкального вкуса, а также повышения общего культурного уровня учащихся. Приобретение слухового опыта и навыков восприятия, с любовью слушать, понимать и анализировать музыкальные произведения, различать музыкальные инструменты и жанры – вот на что необходимо обратить большое внимание на уроках музыки. Для этого важно организовывать учебно-просветительскую деятельность так, чтобы была возможность пересматривать сферу своих музыкальных предпочтений, расширять интересы и потребности, развивая личностный культурный потенциал учащейся молодёжи.

По постановлению Президента Ш.М.Мирзиёева «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию сферы культуры и искусства Узбекистана» (от 3 февраля 2022 год) начиная с 2022-2023 учебного в образовательных учреждениях реализуются меры, направленные на повышение знаний и навыков учащихся и студентов в сфере культуры, формирование в их сердцах любви к национальной культуре, выявление и поддержку молодых дарований, в соответствии с которыми для учителей по предмету «Музыка» устанавливается обязательное требование по владению навыками исполнения мелодий как минимум на одном, а с 2023-2024 учебного года – как минимум на трёх национальных музыкальных инструментах. В рамках учебных